

ПУДРАТ ШАРТНОМА 15-сонли

Тошкент шаҳри

«19» октябрь 2022 йил

“МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) номидан ишончнома асосида иш юритувчи Бошқарув раиси биринчи ўринбосари Хамидов Акмал Акрамович бир томондан, “**Malikrabit Maxsus Qurilish**” МЧЖ (кейинги ўринларда – “Пудратчи”) номидан Устав асосида харакат килувчи директор Шарафов Алишер Абдурайимович иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”га www.etender.uz порталида жойлаштирилган 156404 - сонли лотга асосан қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш (кейинги ўринларда – “Хизматлар”), “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуqlari:

- “Пудратчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- “Пудратчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- “Пудратчи”дан мазкур шартномага мувофик тегишли сифатга эга “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;
- зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилганда, уларнинг сифатлисига алмаштиришни талаб қилиш;
- “Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини талаб қилиш;
- “Хизматлар”нинг баҳосини мутаносиб равишда камайтирилишини талаб қилиш;
- шартноманинг шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Пудратчи”дан талаб қилиш;
- Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда исталган вактда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳакли;
- агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аник бўлиб қолса, “Буюртмачи” “Пудратчи”га камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни “Пудратчи” белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасини бир томонлама бекор қилишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тузатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳакли.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- ўз буюртманомаси бўйича тўлиқ ва сифатли кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофик қабул қилиш;
- “Хизматлар”га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул-қилиш топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнida ҳақ тўлаш.

2.3. “Пудратчи” ҳуқуqlari:

- кўрсатилган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги Қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;
- берилган буюртманомага мувофик кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;

2.3. “Пудратчи” мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартноманинг ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8.-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатда, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

- агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Пудратчи” шартнома шартлари ва нормативларидан чекинишига йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текинга тузатиб бериш;

- қурилишни материаллар, шу жумладан деталлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар билан таъминлаш мажбурияти “Пудратчи” зиммасига юкланди;

- бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун “Пудратчи” жавобгар бўлади;

- шартномада назарда тутилган объектни ёки ишлар мажмуини “Пудратчи” ўз хисобидан суғурталashi шарт;

- “Хизматлар” кафолатланган муддат ичидаги яроқсиз ёки сифатсизлиги аниқланса “Пудратчи” ўз хисобидан таъмирлаш ишларини амалга ошириши шарт;

- “Пудратчи” қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

2.3.1 “Пудратчи” қуидагиларни аниқлаган тақдирда дархол буюртмачини огохлантириши ва ундан кўрсатмалар олгунга кадар ишни тўхтатиб туриши шарт:

- олинган материаллар, ускуналар, техник ҳужжатлар ёки қайта ишлаш (ишлов бериш) учун топширилган ашёнинг яроқсизлиги ёки сифатсизлигини;

- буюртмачининг ишни бажариш усули тўғрисидаги кўрсатмаларини бажариш унинг учун ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини;

- “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган, бажарилаётган иш натижаларининг яроқлилиги ёки пишиклигини хавф остига қўядиган ёхуд ишни белгиланган муддатда ниҳоясига етказиш мумкин бўлмайдиган килиб қўядиган бошқа ҳолатларни.

2.3.2 Пудратчи қилган ишининг сифатини 1 йил муддатга кафолатлади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 6 999 000 000 (олти миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион) сўмни ташкил қиласди.

3.2. “Буюртмачи” кўрсатиладиган “Хизматлар” туркуми суммасининг 30 % микдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган хизматлар учун хар ойлик ф-2, ф-3 асосида ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатилган “Хизматлар” учун пул ўтказиш йўли билан (ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади) нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома шартлари ва Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда, **180 календарь** кунида бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. “Хизматлар” қабул-қилиш топшириш далолатномалари тузилган сана шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана “Хизматлар”га ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи”нинг розилиги билан “Хизматлар” муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган “Хизматлар” учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган “Хизматлар” ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. “Буюртмачи” муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилишни рад этишга ҳаклидир.

4.6. Назарда тутилган микдордан ортиқча бир номда “Хизматлар” кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган “Хизматлар” ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган “Хизматлар”нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай

“Хизматлар” “Буюртмачи”нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган холлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган “Хизматлар” бевосита “Буюртмачи”нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган “Хизматлар” миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган “Хизматлар” кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи”нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнидан амалга оширилади.

4.9. “Буюртмачи” илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд “Хизматлар”нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Пудратчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласди.

4.10. Агар пудрат обьекти нобуд бўлса ёки шикастланса, обьект қабул қилиб олингунга қадар унинг тасодифан нобуд бўлиш ёки тасодифан шикастланиш хавфи пудратчи зиммасида бўлади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган “Хизматлар” сифати, миқдори “Пудратчи” томонидан нотўғри аникланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиш холлари аникланган тақдирда “Пудратчи” кўрсатилаётган “Хизматлар”нинг сифатини, шунингдек унинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб киласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари “Буюртмачи”га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган “Хизматлар”нинг сифати, стандарт ва техник талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган “Хизматлар” қийматининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. “Хизматлар” кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “Пудратчи” “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган “Хизматлар”нинг 0,25% миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Пудратчи” “Буюртмачи”га “Хизматлар” кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. “Хизматлар” кўрсатиш кечикирилган ёки тўлик кўрсатилмаган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган “Хизматлар” қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “Хизматлар” кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлик кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган “Хизматлар” учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда “Буюртмачи” “Пудратчи”га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. Бажарилётган ишларнинг хавфсизлиги учун “Пудратчи” жавобгар бўлади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фукаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар ўртасида музокоралар йули билан судгача ҳал қилиш чоралари кўрилади.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақли.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзолаган кундан кучга киради. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари 31.12.2023 йилгача амал қиласди.

7.2. Томонлар ўртасидаги шартномавий муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ туганланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг хар бири учун бир нусхадан тузилди ва иккала нусха ҳам teng юридик кучга эгадир.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Пудратчи”

МЧЖ «MALIKRABOT MAXSUS QURILISH»

Адрес: Toshkent shahri, Yashnobod tumani,
2-Aviasozlar ko'chasi, 41-uy, 315-xona
p/c: 20208000804774791001

Банк: Навоий ш. “ТИФ Миллий банки” АЖ
Навоий вилояти филиали

МФО: 00196

ИНН: 301 161 701



Директор

Sharafov A

“Буюртмачи”

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЕ
МФО 00433 ИНН 200547792
Р/С: 1990_000_00000 433001
ИНДЕКС 100096 ОКОНХ 96120
ОКПО 15142540 ТЕЛ: 371 2029098
ТАШКЕНТ ул. ДУТФИЙ

Адрес:

Р/с:

Банк:

МФО:

ИНН:



Бошқарув раисининг
биринчи ўринбосари

А. Хамидов

[Large handwritten signature]